323
И 60

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
"ТАСВИРИЙ ОЙИНА"
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

## ТАВСИЯЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
“ТАСВИРИЙ ОЙИНА”
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

# Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тасвирий воситалар орқали амалга ошириладиган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларида қўлланиладиган матнлар, қайдлар, ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари ва шиорлар бўйича

## ТАВСИЯЛАР

376622

ТОШКЕНТ - 2017

**УУК: 323(575.1)**
**КБК: 66.3(5Ў)**
**И 60**

**Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун** – Т.: «Extremum-press», 2017. 96 бет.

“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” номли тавсиялар саҳифаларида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва нутқларидан олинган қайдлар, донишмандларнинг олам-олам маъно англатувчи ибратли иборалари, халқ мақоллари, шеърий мисралар, инсон манфаатларини улуғлаш, она Ватанни ҳимоя қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, маънавий қадриятларни эъзозлашга ундовчи пурмаъно ҳикматлар жамлангандир.

Тавсиялардан марказий кўчалар, бозорлар, хиёбонлар, бекатлар, автотранспорт воситалари, темир йўл ва метро вагонлари ҳамда одамлар гавжум бўладиган, оммавий тадбирлар ўтказиладиган манзилларга ўрнатиладиган баннерлар, плакатлар ва бошқа тасвирий тарғибот воситаларини маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, тавсияларимиздан вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, концернлар,. уюшмалар, бирлашмалар, банклар, компаниялар, марказий муассасалар, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари маънавий-маърифий тасвирий тарғибот воситаларида кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Бош муҳаррир: **Исфандиёр ЛАТИПОВ**
Тақризчилар: **Абдуҳалил МАВРУЛОВ** – т.ф.д., профессор, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари;
**Тўлқин ТОҒАЕВ** – тилшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент.
Нашрга тайёрловчи: **Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.**

**Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ташкил этилганига 2017 йил 12 сентябрда 20 йил тўлади.**

**ISBN: 978-9943-4858-3-9**
© “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси.
© “Extremum-press” нашриёти, 2017 й.

# ОЛИЖАНОБ ҒОЯЛАРСИЗ ИНСОНИЯТ ЯШАЙ ОЛМАЙДИ

***Мустақиллик йиллари юртимизда ҳар қайси йилга аниқ бир ном бериб шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши анъанага айланиб қолди.***

1996 йил – Амир Темур йили.
1997 йил – Инсон манфаатлари йили.
1998 йил – Оила йили.
1999 йил – Аёллар йили.
2000 йил – Соғлом авлод йили.
2001 йил – Оналар ва болалар йили.
2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили.
2003 йил – Обод маҳалла йили.
2004 йил – Меҳр ва мурувват йили.
2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили.
2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили.
2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили.
2008 йил – Ёшлар йили.
2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили.
2010 йил – Баркамол авлод йили.
2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили.
2012 йил – Мустаҳкам оила йили.
2013 йил – Обод турмуш йили.
2014 йил – Соғлом бола йили.
2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили.
2016 йил – Соғлом она ва бола йили.
2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили.

# МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ШИОРЛАР

(Йиллар бўйича)

2009 йил: “Мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир”.

***

2010 йил: “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!”

***

2011 йил: “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!”

***

2012 йил: “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!”

***

2013 йил: “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”

***

2014 йил: “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! ”

***

2015 йил: “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!”

***

2016 йил: “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!”

***Бу шунчаки шиор эмас, шунчаки сўз эмас, бу даъват, сафарбарлик, халқимизни янгидан-янги ғалабаларга, масъулият билан меҳнат қилишга чорловчи шиордир.***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

**Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга** йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

**Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга** йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

**Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга** йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий

иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

**Ижтимоий соҳани ривожлантиришга** йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

**Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни** таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

## ТАСВИРЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ТАРҒИБОТИ

Мамлакатимиз тараққиёти улкан бунёдкорлик ишларига асос бўлмоқда. Шаҳару қишлоқларда янги саноат корхоналари, тураржойлар, йўл ва кўприклар барпо этилмоқда. Тадбиркорлик, савдо ва маиший хизматлар кенг ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси ошиб бормоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ушбу ислоҳотлар самарасини янада ошириш, мамлакат ва жамият ривожини янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Халқимиз Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонидаги ўрнини мустаҳкамлаш, эгаллаган мавқеи ҳамда нуфузини янада оширишдек эзгу ишларга дахлдорлик туйғуси билан яшамоқда. Чунки мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ютуқлар омили бўлиши баробарида, фуқароларнинг онгу тафаккурида туб бурилиш ясади, жамиятнинг маънавий-маърифий юксалишида тамомила янги саҳифаларни очиб берди. Бинобарин, ўзликни англаш, комиллик сари интилиб яшаш юртдошларимизнинг қонқонига сингиб кетган олижаноб туйғу бўлиб, бу эзгу саъйҳаракатларимизда, азалий қадриятлар бардавомлиги ўз ифодасини топмоқда. Маънавий, ахлоқий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган миллий ғоя тарғиботида тасвирий воситаларнинг роли ва ўрни катта, улардан кенг фойдаланиш ишларимизнинг самарадорлигини янада оширади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати, саноат салоҳияти тобора юксалиб бораётгани унинг халқаро ҳамжамиятдаги обрўсини янада оширмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири ҳамон сезилиб турган ҳозирги мураккаб шароитда, саноқли давлатлар қаторида, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилаётган замонавий иншоотлар, спорт мажмуалари, шинам тураржойлар, кўркам ижтимоий соҳа объектлари юртимиз меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Айни чоғда таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, спорт ва аҳолини ижтимоий

ҳимоя қилиш борасида эришилаётган муваффақиятлар ҳақли равишда қалбимизда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотмоқда.

Мамлакатимизда ҳамманинг ҳавасини келтираётган бундай улкан ютуқ ва марраларни забт этишда Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўтган йилда амалга оширилган ишларга назар ташлаган киши бунга комил ишонч ҳосил қилади. Хусусан, 2016 йил февраль ойида ижодий уюшмамиз томонидан **"Соғлом она ва бола – буюк келажагимиз пойдевори"** номли тасвирий-тарғибот воситаларида фойдаланишга мўлжалланган **"Тавсиялар"** қўлланмаси 40 минг нусхада чоп этилиб, юртимизнинг барча ҳудудига етказиб берилди. Бу йўл бўйларида ўрнатилган шитлар, бинолар пештоқлари, бозорлар, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, таълим муассасалари, маънавият ва маърифат хоналари, оммавий тадбирлар ўтадиган жойларни безаш ишларида қўл келди.

Халқимиз эришаётган ютуқлар – янги бунёдкорлик мазмуни ҳамда замонавий инфраструктура объектлари, илғор ишлаб чиқариш технологиялари замонамиз қаҳрамонлари образи орқали кенг тарғиб қилинди. Бу жараёнда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу ҳужжат доирасида она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлодни шакллантириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга барча манба ҳисобидан 8 триллион сўм ва 212 миллион АҚШ доллари йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсиб, 3,7 миллиард доллардан ошди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳани амалга ошириш ишлари тўлиқ якунланди. Жумладан, Жиззах вилоятидаги цемент заводи кенгайтирилган бўлса, Толимаржон иссиқлик энергия станциясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик станцияси қуввати 150 МВт бўлган юқори кулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида асримизнинг бекиёс ва улкан лойиҳаси сифатида эътироф этилаётган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда 19,0 километрлик Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилиши истиқлол яратган тенгсиз мўъжизалардан бири бўлди.

Иқтисодиётимизнинг мазкур жабҳасида инсон манфаатларини таъминлаш, уларга қўшимча кулайликлар яратиш бўйича яна кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Хусусан, Тошкент – Бухоро йўналиши бўйича юқори тезликда “Афросиёб” йўловчи ташувчи электр поездининг мунтазам қатнови йўлга қўйилгани бунга мисол бўла олади. Тараққиётимизнинг ушбу манзаралари “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси тарғиботининг мавзуси бўлди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмасдан юксак марралар сари интилишимиз зарур. Фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, олдимизда турган энг устувор вазифа – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда “Эл фаровонлигини янада юксалтириш” деган олижаноб ғояни ҳар бир юртдошимиз қалбига тасвирий тарғибот воситалари орқали етказишимиз керак. Шубҳасиз, бунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма ҳамда мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисларидаги нутқ ва маърузалари дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ижодий уюшмамиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, тасвирий тарғибот ишларини қатъий тартиб интизом, шахсий жавобгарлик ва масъулият билан ташкил этишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Шундан келиб чиқиб, бу йилги тавсиялар қўлланмамизни **“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”** деб номладик.

“Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезони” деб таъкидлайди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Унинг замирида “Элнинг дарди билан куйсагина жон, ўша жон эгаси ҳақиқий инсон” деган теран маъно мужассамдир. Одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиб, дардига дармон бўлиш қандай катта бахт. Доно халқимиз “Бир кўнгил имората, минг Макка зиёрати” деб бежизга айтмайди.

Ташқи тасвирий тарғибот озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсадимизни халқимиз, айниқса, ёшлар онги ва қалбига сингдиришнинг муҳим тарбиявий воситасидир. Миллатнинг орзу-мақсадлари тўғрисида унинг рекламасига қараб фикр юритса бўлади.

Кўргазмали воситалар (баннерлардаги шиор, плакат, фотосурат ва ш.к.), таъбир жоиз бўлса, ҳар куни 24 соат "ишлайди". Диний бағрикенглик, тинчлик, осойишталик ва бунёдкорлик моҳияти тасвирларда ва турли тиллардаги ёзувларда "жаранглаб туради". Шу тариқа, улар ҳар куни миллионлаб кишиларга меҳр-оқибат, эзгу ғоя ва теран фикр, одамийлик улашади, десак, айни ҳақиқат.

Таъкидлаш керакки, ҳар қандай тасвирий тарғибот воситаларидаги ижтимоий рекламаларнинг мафкураси одамларни муайян ғояга ишонтириш, халқни уюштириш ва сафарбар этиш, маънавий-руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш ҳамда иммунитет ҳосил қилиш каби асосий мақсадларни кўзда тутади.

Уюшма ижодкорлари ва дизайнерлари ҳар бир матннинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб, ўз устида изланса, ишга масъулият билан ёндашса, табиийки, тасвирий тарғибот воситаси саҳна асари ёки кинофильм сингари таъсирчан кучга эга бўлади, инсоннинг руҳиятини уйғотадиган, кайфиятини кўтарадиган, дилини равшан торттириб, орзуларига қанот бўладиган воситага айланади.

Ҳар бир жараённи акс эттирувчи тасвир ёки шиорда эзгуликка ундовчи руҳ сезилиб туриши лозим. Расмларда эса, фидокорона меҳнати, ҳалоллиги, ватанпарварлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан ёшларга ўрнак бўлаётган, давлатимиз унвонлари, орден ҳамда медаллари билан мукофотланган замондош қаҳрамонларимиз сиймосини мулоқот ҳолатида шарқона тасвирларда акс эттириб, ижтимоий, тасвирий тарғибот воситасининг таъсирчанлигини янада ошириб бориш зарур.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар бўлимларидан ижодий уюшмамизнинг 2017 йил иш режаси асосида қуйидаги зарурий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади:

– 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг мазмун-моҳиятига хос ғояларни кенг тарғиб қилишнинг энг яхши шаклларида шаҳарлар ва туманлар марказий кўчалари ҳамда одамлар гавжум жойларни кўргазмали безаш бўйича

минтақавий тадбирлар ўтказиш, жойларда безаш ишларини юқори савияда ташкил этиш, Президентимиз ташаббуси билан туман ва шаҳарларда очилган Халқ қабулхоналари жойлашган ҳудудлар ҳамда уларнинг ички қисмини тасвирий тарғибот воситалари билан безатиш.

– Тавсиялар мундарижасида кўрсатилган мавзулар бўйича замон талаби даражасида дизайнлар тайёрлаб, чоп этиб безаш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтадиган тадбирларда тасвирий тарғибот-ташвиқот ишларини юқори савияда амалга ошириш;

– "Энг улуғ, энг азиз", "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловларини юқори савияда ташкил этиш;

– Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури мазмун-моҳиятини тарғиб этиш ҳамда халқ онгига сингдириш, уюшмамиз ижодкорлари томонидан яратилаётган ҳар бир дизайн, тасвир ва матнларнинг таъсирчанлиги ҳамда сифатли жойлаштирилишига барча имкониятни сафарбар қилиш тақозо этилади.

Қўлингиздаги **"Тавсиялар"** ана шу вазифаларни тўлақонли бажаришга қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг, улуғ аллома ҳамда донишмандларнинг халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тўғрисидаги қайд, ҳикматли сўз ҳамда ўгитлари, шиорлар ва шеърлар, матнлар, ҳадислар, ўзбек халқ мақоллари жой олган бўлиб, ушбу тавсияларимиздан маънавий-маърифий ишларда, тасвирий тарғибот воситаларини тайёрлашда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Йилдан-йилга гуллаб-яшнаётган Ватанимиз равнақи, халқимиз тинчлиги, бахту саодати йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда зафарлар, ижодий муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

**Исфандиёр ЛАТИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина"**
**ижодий уюшмаси Бошқаруви раиси**

# 2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан олинган қайдлар)*

Асосий мақсад – эл-фаровонлигини янада юксалтириш.

***

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида улкан қадам бўлади.

***

Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***

Халқ билан мулоқот раҳбарнинг ишига унум, янги фикр ва ғоялар, куч-ғайрат ва шаҳду шижоат беради.

***

Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

***

Бизнинг мақсадимиз аҳолининг ҳеч бир мурожаати эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборатдир.

***

Инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз.

***

Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиётимизнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши катта аҳамиятга эга.

***

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.

***

Давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

***

Юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик каби бебаҳо бойликларимизни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

***

Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни, аввало, халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга оширамиз.

***

Ташқи сиёсатимизнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади.

***

Биз дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқот учун очиқмиз.

***

Давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш устувор вазифамиздир.

***

Адолат қонун устуворлигидадир.

***

Халқ бой бўлса, давлат ҳам, албатта, бой ва қудратли бўлади.

***

Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир.

***

Аҳоли бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириш бўйича катта имкониятларни ишга солишимиз лозим.

***

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш устувор аҳамиятга эга масаладир.

***

Хорижий сармояларни ва илғор технологияларни иқтисодиётга жалб этиш жуда муҳим вазифадир.

***

Инсон манфаатларини таъминлаш қишлоқ жойларда фуқароларнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ошириш билан бевосита боғлиқдир.

***

Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган арзон ва қулай уй-жойлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

***

Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй-жойлар қуриш дастурини амалга ошириш – устувор вазифа.

***

Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор.

***

Парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантирайлик.

***

Сиёсий партиялар фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган кучдир.

***

Инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади.

***

Тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифадир.

***

Асосий масала қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.

***

Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

## ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ МАРД ҲАМДА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

*(Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан олинган матнлар)*

Халқимиз рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади.

***

Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

***

Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам – айнан шу халқ. Шундай экан, биз одамлар билан доимо мулоқот қилишимиз керак.

***

Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш биринчи даражали вазифамиздир.

***

Халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш, бу – энг устувор вазифа.

***

Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўриш устувор вазифадир.

***

Бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим фаолиятини йўлга қўйиш асосий вазифадир.

***

Халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш, бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас, доимий вазифамиздир.

***

Мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир.

***

Ватанимизнинг буюк келажагини мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз.

***

Биз юртимизда, янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз.

***

Давлат банклари энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим.

***

Банк раҳбарларининг бош вазифаси фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ишончини қозонишга ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлишга эришишдан иборатдир.

***

Банклар ҳар бир оила билан мулоқот ташкил қилиши орқали фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай имкониятлар яратиши керак.

***

Халқ депутатлари Кенгашларининг асосий мақсади ва вазифаси аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, уларни таъминлашдан иборат.



376622

***

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш асосий вазифамиздир.

***

Дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда.

***

Ўзбекистон чегараларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, юртимиз остонасига ҳеч қандай бало-қазони яқин келтирмаслик каби ҳал қилувчи вазифалар ҳамиша диққатимиз марказидадир.

***

Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туради.

***

Ўзбекистон Қуролли Кучлари хизматчилари юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича ўз ватанпарварлик бурчига содиқдир.

***

Ёши улуғ, улкан ҳаётий тажрибага эга нуроний оқсоқолларимиз, катта авлод вакилларининг маслаҳатлари ва фаол кўмаги, шундай табаррук инсонларнинг Ватанимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббати ва жонкуярлиги туфайли Мустақил Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам замини яратилди.

***

Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга давлатдир.

***

Халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳияти энг катта бойлигимиздир.

***

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

***

Агросаноат комплексини ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилаверади.

***

Ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топишига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан фахрланамиз.

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг илм-фан, соғлиқни сақлаш, прокуратура ва бошқа соҳалар масъуллари билан учрашувларидаги нутқлари ҳамда бошқа манбалардан шу мавзудаги олинган қайдлар)*

Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт тараққиётига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

***

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрни каттадир.

***

Илм-фанни янги босқичга кўтариш замон талабидир.

***

Жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фан тараққиётисиз ечиш қийин.

***

Мамлакатимизда жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланиши илм-фан равнақига боғлиқ.

***

Илм-фан соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайлик.

***

Илм-фанни ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир.

***

Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап.

***

Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим ўрин тутади.

***

Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

***

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

***

Мактаб таълимини такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида ҳеч нарсани аямаймиз.

***

Илм аҳлига шарт-шароитлар яратиш ва уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берайлик.

***

Тиббиёт ходимлари бизнинг саломатлигимиз посбонларидир.

***

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ўзгартириш – давр талаби.

***

Соғлиқни сақлаш ходимлари тиббиётнинг энг илғор, замонавий ютуқларини, даволаш усулларини ўзлаштирмоғи зарур.

***

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

***

Соғлиқ бўлмай бахтли бўлиш мумкин эмас.

***

Мен билган ягона гўзаллик, бу – саломатлик.

***

Саломатлик ва юрт тинчлиги инсоннинг олий манфаатидир.

***

Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта ғовдир.

***

Инсонлар манфаати деганда, аввало, инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилади.

***

Эртанги кунимизнинг давомчиларини соғлом дунёга келтириш кўп жиҳатдан аёлларимизнинг соғлиғига боғлиқдир.

***

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириб, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтарайлик.

***

Халқимизга энг сўнгги усул ва русумларда тиббий хизмат кўрсатишга эришайлик.

***

Қонун устуворлиги инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир.

***

Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди.

***

Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни каттадир.

***

Прокуратура органлари қабул қилаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб, бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт.

***

Прокуратура органларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади.

***

Хусусий мулк, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли каттадир.

***

Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор. Биронта ҳам мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак.

***

Халқ қабулхоналари халқ манфаатларини таъминлайдиган, ишончини қозонадиган даргоҳ – адолат маскани бўлсин.

***

Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаси – халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш.

# ЭЛНИНГ ДАРДИ БИЛАН КУЙСАГИНА ЖОН, ЎША ЖОН ЭГАСИ ҲАҚИҚИЙ ИНСОН

## *ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН*

*(Катта йўл бўйлари, истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, шифохоналар, бозорлар, кўнгилочар тадбирлар ўтадиган ҳудудларни ташқи тасвирий тарғибот воситалари билан безаш ҳамда ижтимоий рекламаларни тайёрлашда буюк аллома ва мутафаккирларнинг она Ватан, тинчлик-осойишталик, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия каби мавзулардаги ҳикматлари, ҳадиси шарифлар, халқ мақоллари ҳамда шиорлар фойдаланиш учун берилмоқда)*

Ўзбекистон – ойдин истиқбол йўлида.

***

Халқ дардини тингламай, Ватан истиқболига эришиб бўлмайди.

***

Халқ билан мулоқот улуғвор мақсадларимизга элтувчи ойдин йўлдир.

***

Инсон манфаатлари таъминланган мамлакат барқарор ривожланади.

***

Халқнинг дардини қулоқ билан эмас, юрак билан эшитиш лозим.

***

Эл дарди билан яшаш – олий саодат.

***

Эл муаммосининг тугуни, кўпинча, раҳбарнинг қўлида ечилади.

***

Халқ билан мулоқот қилиш қобилияти бўлмаган раҳбар халқни ҳам, Ҳақни ҳам рози қилолмайди.

***

Баланд марраларни кўзлаган мамлакат халқ йўлидан боради.

***

Халқ дардини тингламаган, юрт қадрини англамайди.

***

Ҳар бир шахс манфаати юрт ва жамият манфаатидир!

***

Она юрт истиқболи – эл бахти, иқболи.

***

Эл корига яраш учун эл ичра яшаш керак.

***

Халқ билан мулоқот – қалб билан мулоқотдир.

***

Қаердаки саховат ва меҳру мурувват кўп бўлса, ана шу жойда файзу барака қулоч ёзади.

***

Халқ дуоси Ҳаққа етар.

***

Яхши раҳбарнинг сифати унинг халқ билан мулоқотида кўринади.

***

Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

***

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари.

***

Жамоатчилик назорати – халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори.

***

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаш – иқтисодий тараққиётимиз таянчи.

***

Банк тизимидагиислоҳотлар аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

***

Ўзбекистоннинг куч-қудрати халқнинг ҳаётида акс этади.

***

Балиқ сув билан тирик, одам – эл билан.

***

Эл ғамида юрган – элда достон бўлади.

***

Элга хизмат – олий ҳиммат.

***

Кексаларни улуғлаш – олий қадрият.

# ЁШЛАР БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР

**Биз ёшлар билан кўпроқ гаплашиб, уларнинг қалбига қулоқ солиб, дардини билиб, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмай қатъият билан давом эттирамиз.

***

Ёшларга доир давлат сиёсатини энг устувор вазифамиз сифатида замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

***

Ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масаладир.

***

Ёшлар манфаатини таъминлаш билан эртанги ёруғ кунимизга замин яратамиз.

***

"Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт!" деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

***

Ёшларимиз Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодирдир.

***

Ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

***

Фарзандларимиз учун замонавий иш жойларни яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтарайлик.

***

Кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй ёшлар тарбияси масаласида ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак.

***

Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишларини таъминлаймиз.

***

Ёшлар тарбиясида асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянайлик.

***

Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этаверамиз.

***

Таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш биринчи даражали вазифамиздир.

***

Ёшларнинг ечилмаган муаммоларига эътиборни жалб этиш, уларни ҳаётда ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт.

***

Ҳар бир боланинг қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш, рўёбга чиқариш нафақат ота-она, балки бутун жамиятнинг бурчидир.

***

Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак.

***

Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.

***

Келажак бугундан бошланади, ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади.

***

Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади.

***

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз – бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

***

Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа.

***

Ёшлар – умримиз гуллари, эртанги ҳаётимиз ниҳолларидир.

***

Дунёда энг катта бойлик – ёшликда олган билим ва эгаллаган касбу ҳунардир.

***

Ёшлар бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, эзгу ишларимизнинг давомчиларидир.

***

Ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзаликка интилишини кучайтириш лозим.

***

Ёшлар спорти нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир.

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ТИНЧ, ОСУДА ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан олинган матнлар)*

**Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотирасига барчамиз яна бир бор ҳурмат бажо келтирамиз. Ўтган 25 йил давомида Қуролли Кучларимизни барпо этиш йўлида қўлга киритган бекиёс ютуқларимиз азиз Юртбошимизнинг номи билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур миннатдорчилик билан эсга оламиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ўзбекистон Қуролли Кучлари салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар, биринчи навбатда, мамлакатнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

***

Ўзининг буюк тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган халқимиз мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияга эгадир.

***

Мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимиз тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиямиз бор.

***

Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчликпарварлик опе-

рацияларда иштирок этмаслик сиёсатига содиқ қолиш мамлакатимизнинг принципиал позициясидир.

***

Миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислоҳотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли кафолат ва тоғдек таянчдир.

***

Миллий армиямиз ихчам, яхши таъминланган ва юксак жанговар руҳга эгадир.

***

Ватанпарварлик жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи кучдир.

***

Ватанга садоқат билан хизмат қилиш шарафли бурчдир.

***

Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга.

***

Миллий Армиямиз – ғурур ва ифтихоримиз!

***

Ватан – улуғ, бурч – муқаддас.

***

Ҳарбий хизмат – шарафли бурч.

***

Сержантлар корпуси миллий армиямизнинг асосий таянчидир.

***

Ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳит шаклланиб, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи кескин ошмоқда.

***

Ёшлар армияда нафақат зарур ҳарбий тайёргарликдан ўтади, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳам чиниқади.

***

Ёшлар армияда ўзларининг фуқаролик масъулияти, Ватан ҳимоячиси сифатидаги муқаддас йигитлик бурчини чуқур англаб, ўз юртига фидойи инсон бўлиб етишади.

***

Миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабидир.

***

Менинг ўғлим – ҳақиқий Ватан ҳимоячиси.

***

Ўғлонларга она кўнглидаги розилик, бу бутун халқимиз қалбидаги розилик ифодасидир.

***

Миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги пухта ўйланган ва изчил ҳаракатлар давом эттирилаверади.

***

Миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш бизнинг устувор вазифаларимиздан биридир.

***

Қуролли Кучларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини оширишга, уларни юқори даражадаги уюшқоқлиги ва самарали ҳамкорлигига эътибор қаратилаверади.

***

Профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш эътиборимиз марказидадир.

***

Миллий армиямиз қўшинларини замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш энг муҳим вазифамиздир.

***

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш диққатимиз марказидадир.

***

Миллий армиямизни янада ислоҳ этиш, унинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини оширишга бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этаверамиз.

***

Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир.

***

Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

***

Ҳарбийларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларнинг оилалари ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омилидир.

***

Ватанимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асраш нафақат армиямизнинг, балки барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

## Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва ҳарбий хизматдан қайтганларни кутиб олиш тантаналари ўтадиган жойларни безатишда фойдаланиладиган матнлар

Ватанни ҳимоя қилмоқ – шарафли ва олий бурч.

***

Миллий армиямиз – тинчлигимиз посбони.

***

Ўзбекистон – ягона Ватаним, миллий Армиям – фахрим, таянчим.

***

Менинг Армиям – менинг фахрим.

# ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА ҲАМ ЖОН БЎЛҒИЛ, ҲАМ ЖОНЛАРИҒА МОЯЙИ ДАРМОН БЎЛҒИЛ

*(Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ва тасвирий воситаларда фойдаланиш учун алломаларнинг ҳикматларидан намуналар)*

**Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ.**

**Абдурауф ФИТРАТ**

Миллатнинг дардларига дармон бўл.

***

Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим.

***

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин.

***

Раият (аҳоли) аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

***

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим.

***

Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим.

***

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

***

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

**Амир ТЕМУР**

***

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

***

Менга қилса юз жафо, бир қатла фарёд айламам,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

***

Дарди йўқлар дард аҳлиға қачон маҳрам бўлур.

***

Дардманд эл ҳолин ул билгайки, бўлғай   дардманд.

***

Одамий эрсанг, демагил  одами,
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

***

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл.

***

Бу гулшан ичраки, йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

***

Кимки улуғроқ – анга хизмат керак,
Улки кичикроқ – анга шафқат керак.

***

Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.

***

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу наф ўзунгга кўпракдурур.

***

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

***

Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улусга они кўрма асло раво.

***

Агар қилмади эл ҳимоят сенга,
Ўзингдин керакдир шикоят сенга.

***

Яхшилик гар қилмаса, бори ямонлиғ қилмаса,
Ким ямонлиғ қилмаса, қилғонча бордир яхшилиғ.

***

То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

**Алишер НАВОИЙ**

***

Ғарибларга аччиқланиб сўз қотмагин,
Заиф кўриб ғарибларга тош отмагин.

**Аҳмад ЯССАВИЙ**

***

Киши икки нарса билан асло қаримас,
Бири – эзгу хулқи, бири – эзгу сўзи.

***

Саховат кўрсатиб, шодумон яша,
Қалбингда қуёшу чароғон яша.

***

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси яхши ному иши.

***

Агар ҳар киши элга эҳсон этар,
Элидан мудом унга раҳмат етар.

***

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир.

***

Қаерда ҳасад ёнса бетутун,
Одамийлик унга бўлади ўтин.

***

Парвардигор одамни азоб-укубатга яратмади, балки дунёни обод қилиш, унинг вужуди ва аъмолида ўз жамолини кўриш учун яратди.

**Махдуми АЪЗАМ**

***

Халқнинг хизматига ярашга интил,
Халқинг билан жаҳонни соз қил.

**Низомий ГАНЖАВИЙ**

***

Кучсиз раиятга раҳм қилсанг, кучли душмандан азият чекмайсан.

**Шайх САЪДИЙ**

***

Мансаб билан баландмас одам,
Мансаб одам билан муҳтарам.

**Абдураҳмон ЖОМИЙ**

***

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!

**Захириддин МУҲАММАД БОБУР**

***

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир...

***

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!

**Абдулҳамид ЧЎЛПОН**

***

Халқим, яхшиликни ўзгадан кутма,
Савобни ўзингдан ҳеч йироқ тутма.

**Абдулла ОРИПОВ**

***

Бағрингни элга оч, боринг кўр баҳам,
Шундоқ бир ҳимматга қулоқ бер, одам.
Қувончинг бўлишсанг, кўпаяр қувонч,
Ғамингни бўлишсанг, камаяди ғам.

**Муҳаммад АЛИ**

***

Даҳо ҳаммага ўхшайди, лекин ҳеч ким даҳога ўхшамайди.

**БАЛЬЗАК**

***

Мулоқотдан ҳузурланиш дўстликнинг асосий белгисидир.

**АРИСТОТЕЛ**

***

Миллатнинг орзу ва мақсади тўғрисида унинг рекламасига қараб фикр юритса бўлади.

**БЕЛИНСКИЙ**

***

Халққа бор, халқдан ўрган, халққа бер.

***

Энг фойдали иш халқ ичида бўлиш ва халқ учун хизмат қилишдир.

***

Сувнинг оқишига қара,
Халқнинг хоҳишига қара.

***

Ҳар иш қилсанг, эл билан кенгаш.

***

Ўзим бўлай дема, ўзгалар ғамини е.

***

Эл боқса, бахтинг кулар,
Эл боқмаса, тахтинг кулар.

***

Халқ иши – ҳақ иш.

# АЁЛ БАХТИ – ЖАМИЯТ БАХТИ

*(8 март – Хотин-қизлар куни муносабати билан жойларда ўтадиган байрам тадбирларини безаш учун матнлар)*

**Баҳор ойининг бир куни аёллар ийди – байрами қилиб белгилаб қўйилсин.**

**АВЕСТО**

Хотин-қизларнинг фаоллиги – жамият ривожининг муҳим омили.

***

Аёл – Яратганнинг бебаҳо мўъжизаси.

***

Аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади.

***

Оналик меҳрингиз ва саховатингиз, аёллик тароватингиз ва меҳр-оқибатингиз учун биз сизлардан умрбод қарздормиз.

***

Ўзбек аёлининг ўз оиласи, севимли ёрига садоқати, унинг иродаси, меҳру муҳаббати, маънавий жасорати бекиёсдир.

***

Гўзал ва олижаноб, муқаддас аёлларимизни эъзозлаш, ардоқлаш бурчимиздир.

***

Аёлларимизнинг мўътабар, нурли сиймоси доимо қалбимизда, юрагимизда.

***

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий ҳимоясини кучайтирайлик.

***

Хунук аёл бўлмайди, фақат чиройли эканлигини билмайдиган аёллар бўлишади.

***

Аёлни эъзозлаган эркак, албатта, бахтли бўлади.

***

Аёлни ҳурмат қилиш миллатни ҳурмат қилиш билан баробардир.

***

Аёлларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтиш, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамиша чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар.

***

Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан бехабар ўтади.

***

Миллат келажаги оналар қўлида.

***

Дунёда "муқаддас" деган сўзга энг муносиб зот ҳам онадир.

***

Она қалби тубсиздир, унинг қаърида доим кечирим ётади.

***

Она алласи кишига то умрининг охиригача ҳамроҳлик қилади.

***

Жаннат оналар оёғи остидадир.

***

Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилган бўлади, бошқачароқ айтганда, у келажакни ҳам ҳимоя қилади.

***

Жаннатга кираман деган одам она розилигини олсин.

***

Оқилона тадбиркор бўлса гар аёл,
Қўлдаги игнаси ёй ўқи мисол.

***

Ёшлик, телбаликни чиқар бошингдан,
Онанг хизматида бўлгин ёшингдан.

***

Гўзаллик ҳеч қачон аёлсиз бўлмас,
У борки, меҳру ишқ гуллари сўлмас.

***

Ҳаёт гўзал, ширин ҳар лаҳза, ҳар кун,
Дунёда аёллар борлиги учун!

***

Аёл меҳри билан яшнагай ҳар кун,
У билан диллар шод, бағримиз бутун!

# НАВРЎЗ – ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

*2017 йил 21 март сешанба куни Наврўз билан бирга мучал бўйича товуқ йили бошланади.*

*"Агар Наврўзи олам сешанба кунига дохил бўлса, Миррихга (Марсга) тааллуқли бўлур. Ул йил шодлик бўлгай ва кундан-кун таомлар кўп бўлгай, ҳайвонларга маъмурчилик бўлгай... Ул йил экинларни эрта экса, яхши бўлгай, кечига офат теккай ва мевалар оз бўлгай... Бу йилда неъмат кўп бўлгай ва нархлар арзон бўлгай ва гиёҳлар бисёр бўлгай, узум кўп бўлгай.*
*Валлоҳу аълам биссавоб".*

***Ҳаким ТЕРМИЗИЙнинг "Наврўзнома" китобидан***

Хуш келибсан ўлкамизга Наврўз, қадаминг қутлуғ бўлсин!

***

Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

***

Наврўз – ҳамжиҳатлик ва дўстлик байрами.

***

Наврўз – мўл-кўлчилик даракчиси.

***

Наврўз – яхшилик, сахийлик ва гўзаллик байрами.

***

Наврўз байрами энг қадимий барҳаёт қадриятдир.

***

Наврўз – меҳр-мурувват, бунёдкорлик, тинчлик, мўл-ҳосил ва қут-барака элчиси.

***

Наврўз эзгуликка ҳамроҳ бўлган ажиб бир шодиёнадир.

***

Наврўз одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди.

***

Наврўз – байрамлар шоҳи.

***

Наврўз – янгиланиш, покланиш, яшариш ва юксалиш байрами.

***

Наврўзни кўтаринкилик, яратувчилик ва умидбахш орзулар билан нишонлайлик.

***

Наврўзнинг барча одатлари замирида халқнинг янги йил мўл-кўлчилик йили бўлсин, деган умиди ётади.

***

Наврўз неча минг йиллардан бери ўзбекнинг ўзлигини намоён этиб келаётган қадриятидир.

***

Наврўз – баҳор ва меҳнат, ёшлик, гўзаллик ва шоду хуррамлик байрами.

***

Наврўз – янги умид, янги орзу-истаклар айёми.

***

Баҳор узук бўлса, кўзидир Наврўз.

***

Ҳар тунунг қадр ўлубон,
Ҳар кунинг ўлсин Наврўз!

**Алишер НАВОИЙ**

***

Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним,
Наврўзинг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг, Ўзбекистон, дилбар Ватаним.

**Абдулла ОРИПОВ**

***

Бугун далаларга қадалган уруғ,
Иншооллоҳ, ризқу барокот тўлуғ,
Эй, умид ўлкаси, эртаси улуғ,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

**Эркин ВОҲИДОВ**

***

Илдизларни қитиқлаб, куртакларни кулдирар – Наврўз,
Ғунчаларни уйғотиб, гул-чечакка тўлдирар – Наврўз!

***

Кўзларга сурайлик Наврўзимизни,
Тилайлик Аллоҳдан ризқ-рўзимизни.

## ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН “БАРКАМОЛ АВЛОД – 2017” ВА БОШҚА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТАДИГАН ҲУДУДЛАРНИ БЕЗАШДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН МАТН ҲАМДА ШИОРЛАР

Баркамол авлод – Ўзбекистоннинг ишончи, таянчи ва қудратли кучи.

***

“Баркамол авлод” беллашувлари ёшларимиз, миллионлаб мухлислар, бутун халқимизнинг спорт байрамидир.

***

“Баркамол авлод” финали иштирокчиси бўлиш ҳам бахт, ҳам омаддир.

***

“Баркамол авлод” истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқларига парвоз майдони бўлиб хизмат қилади.

***

Болалар спорти ривожи таълим-тарбия соҳасининг ривожидир.

***

Спорт болаларни соғлом, кучли, мард ва қатъиятли қилиб камолга етказади.

***

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришни умуммиллий ҳаракатга айлантирайлик.

***

Спортчи, соғлом ва аҳил оилалар кўпайса, жамиятимизда соғлом муҳит мустаҳкамланади.

***

Спортчи ёшларимиз халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчидир.

***

Ўзбекистон спортчи ёшларининг муносиб вакиллари халқаро беллашув ва рақобатларда ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди.

***

Спорт ёшларни кучли, мард ва жасур қилиб камол топтиради.

***

Спорт – соғлом авлод, соғлом келажак.

***

Спорт Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғусини уйғотади.

***

Маррани баланд олинг, эртанги кун сиз каби шижоатли ёшларники!

***

Спорт ёшларимиз парвозига қанотдир.

# МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ

*(Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган матнлар ва шиорлар)*

1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир.

***

Ўзбекистоннинг битта йўли бор – мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

***

Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп. Лекин ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз – юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

***

Мустақиллик ўзбек халқининг тарихий ғалабасидир.

***

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

***

Мустақил Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди.

***

Мустақиллик, энг аввало, халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигидир.

***

Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик!

***

Ўзбекистон – биз учун ягона ва буюк Ватан!

***

Ўзбекистонни бунёдкорлик жаҳонга танитмоқда!

***

Ватанни муқаддас билганнинг ғурур ва ифтихори юксак бўлади.

***

Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир.

***

Озодлик бор жойда ободлик бор.

***

Ўзбекистон – озод ва бетакрор диёр.

***

Ўзбекистон – ҳалол меҳнат эъзозланадиган юрт.

***

Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда она юртимиз бетакрордир.

***

Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади.

***

Биздан мангу қоладиган нарса – Ватан шону шухрати, қудрати ва салоҳияти.

***

Ватан озодлиги ва фаровон ҳаёт – ҳар бир инсоннинг олий мақсади.

***

Ватан барчамизга буюк онадир.

***

Халқни Ватан манфаатлари бирлаштиради.

***

Шу азиз Ватан – барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир.

***

Ватан ва халқ манфаатлари муқаддасдир.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАҚИДА ЖОЙЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАТНЛАР

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қароридан:**

1. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади.

2. Буюк Йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

3. Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

***

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз.

***

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган ягона мақсад йўлида бирлашайлик.

***

Ислом Каримов бошлаган улуғ бунёдкорликлар янги авлодлар куч-ғайрати, ақл-салоҳияти ва жасорати билан бардавом бўлаверади.

***

Ислом Каримовнинг – буюк устозимизнинг сиёсий мероси, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойил-

лари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

***

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди эди.

***

Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас ном қолдирди.

***

Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан сиёсатчи ва давлат арбоби эди.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

***

Ислом Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Унинг раҳнамолигида минтақада тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди.

**Пан Ги МУН,**
**Бирлашган Миллатлар**
**Ташкилотининг собиқ бош котиби**

***

Ислом Каримов – мустақил давлатнинг асосчиси ва унинг тараққиёти йўлида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширган буюк давлат арбоби. У халқаро майдонда юксак нуфузга эга тинчликпарвар доно сиёсатчи эди.

**Мобашар Жавад АКБАР,**
**Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири**

***

Ислом Каримов Ўзбекистон учун, ўз халқининг фаровонлиги учун улкан ишлар қилган, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаган, мамлакат тараққиётига хизмат қилган буюк давлат арбобидир.

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

***

Улуғ давлат арбоби, ўзбек халқининг фарзанди, дунё миқёсидаги лидер бўлган Ислом Каримовнинг улуғвор мероси, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти Ўзбекистон тарихига зарҳал харфлар билан битилади.

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

***

Ислом Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи учун улкан йўқотиш, балки Хитой халқи учун ҳам самимий дўстдан жудо бўлишдир.

**Ли КЭЦЯН,**
**Хитой Халқ Республикаси**
**Давлат кенгаши бош вазири**

***

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, халқаро нуфузини ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилган кенг кўламли ислоҳотлар буюк давлат арбоби Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. У ўзининг бутун ҳаётини халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлади.

**МДҲ давлат раҳбарларининг**
**Ўзбекистон халқига мурожаатидан**

***

Ислом Каримовнинг донолиги, узоқни кўра билганлиги туфайли Ўзбекистон улкан муваффақиятларга эришди. Унинг республика тараққиёти ва фаровонлигига қўшган ҳиссаси мамлакат аҳлининг қалбидан алоҳида жой эгаллаган. Унинг ҳаётдан кўз юмиши Покистон учун буюк ва самимий дўстдан жудо бўлишдир.

**Навоз ШАРИФ,**
**Покистон Бош вазири**

***

Ислом Каримов бутун фаолиятини ўз халқи, Ватани равнақига бағишлади. Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган, тинч ва барқарор давлатга айланди.

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларус Республикаси Президенти**

***

Ислом Каримов ўз халқининг, ўз давлатининг тарихини теран биладиган, маданият ва санъатнинг турли тармоқлари бўйича чуқур тасаввурга эга бўлган том маънодаги давлат арбобидир.

**Чингиз АЙТМАТОВ**

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

*(Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" рисоласи ҳамда бошқа алломаларнинг шу Мавзуга оид фикрларидан қайдлар)*

Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, орномус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади.

***

Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

***

Юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди.

***

Халқнинг теран маънавиятисиз, ғururисиз, юксак маданиятисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

***

Бизнинг йўлимиз умумбашарий тараққиёт йўлидир.

***

Маънавиятимиз муқаддас қадриятларимиздан озиқланади.

***

Маънавиятни юксалтирмай, иқтисодиётни ривожлантириш қийин кечади.

***

Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайди.

***

Маънавият – одамнинг иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч.

***

Эзгу мақсадларга юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқали эришилади.

***

Виждонли инсон ўз юрти ҳамда халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди.

***

Инсоннинг ички дунёси ва иродаси маънавият негизида тобланади, камолга етади.

***

Миллий онги, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.

***

Эл-юртнинг ғами, ташвиши билан яшайдиган кишилар жамиятда қадр-қиммат, ҳурмат-эътибор топади.

***

"Оммавий маданият" ниқоби остидаги хатардан огоҳ бўлинг!

***

Энг катта бойлигимиз – диёримизда қарор топган осойишталик, ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек авайлашимиз шарт.

***

Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.

***

Ҳар бир одам умри давомида савоб ишларни кўпроқ қилмоққа шошилмоғи керак.

***

Маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш зиёлиларнинг виждоний бурчи бўлсин!

***

Жаҳолат – маърифат кушандаси.

***

Яхшилик барча мурод-мақсадларнинг калитидир.

***

Энг олий бахт – юрт тинчлиги, халқ омонлиги.

***

Номусли кишида ҳалол яшаш истаги кучли бўлади.

***

Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкин.

***

Миллий ғоя халқни бирлаштирувчи кучдир.

***

Ватан ва халқ манфаати муқаддасдир.

***

Эзгуликлар қилиб, яхши ном қолдирган киши ҳақиқий инсондир.

***

Халқнинг бирлиги ва жипслиги, тинчлиги ва тотувлиги – бебаҳо бойлик.

***

Кучли ижтимоий ҳимоя – тараққиёт гарови.

***

Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин.

***

Бу ҳаётда одамларнинг оғирини енгил қилган инсон ўзини бахтиёр санашга ҳақлидир.

***

Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин.

***

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз зарур.

***

Бугунги эзгу ишларимиз келажак авлод учун хизмат қилади.

***

Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак.

***

Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

***

Эзгу қалб сотқинлик қила олмайди.

***

Китоб ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан.

***

Китоб – одамларнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтиришнинг энг таъсирчан воситасидир.

***

Мамлакатимизда ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтириш, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

***

Китоб – инсон маънавий оламини бойитишда улкан таъсирга эга бўлган воситадир.

***

Китоб одоб-ахлоқнинг кони, билимнинг эса булоғидир.

***

Китоблар доноликни сингдириш қуролидир.

***

Китобларни ёқишдан ҳам оғирроқ жиноятлар бор. Шулардан бири уни ўқимаслик.

# МАҲАЛЛА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИДИР

Маҳалла – соғлом турмуш тарзи маскани.

***

Маҳаллаларимизни обод масканга айлантирайлик.

***

Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир.

***

Маҳаллаларда, тураржойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чорани кўрайлик.

***

Тўйларимизни маҳалла кўмагида ихчам ўтказайлик!

***

Маҳалла ободлигига улуш қўшайлик!

***

Маҳалла – меҳру шафқат маскани.

***

Обод маҳалла – эзгулик бешиги ва чинакам тарбия ўчоғи.

***

Маҳаллаларимизни тоза ва озода тутайлик!

***

Соғлом турмуш тарзига зид бўлган сохта урф-одатларга чек қўяйлик!

***

Дабдабабозлик ҳамда ортиқча маросимлар ҳар бир оила ва ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушишини унутмайлик.

***

Маҳалламизнинг ёлғиз, кам таъминланган қарияларига мурувват кўрсатайлик!

***

Ўз уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя қилиш, асраш муқаддас фуқаролик бурчимиздир.

***

Бизга ато этилган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлайлик!

***

Саранжом-саришта, озода-покиза хонадон – маҳалла кўрки.

***

Хонадон иссиқхонаси – оила хазинаси.

***

Хонадонларда оилавий бизнес ривожланса, боқимандалик барҳам топади.

***

Ҳар бир хонадонда оилавий бизнесни ташкил этиш маҳалла фаровонлиги гаровидир.

***

Ўқувчиларнинг давомати устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда маҳалланинг ўрни муҳимдир.

***

Томорқаларда паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик билан шуғулланиш фаровонлик гаровидир.

# РАМАЗОН ВА ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ШИОРЛАР, ҲИКМАТЛАР ҲАМДА ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

**Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз.**

**Ислом КАРИМОВ**

Рамазон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

***

Қурбон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

***

Қурбон ҳайити – ҳам ибодат, ҳам саховат айёми!

***

Аввал онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.

***

Жаннатга кирадиган одам она розилигини олсин.

***

Ислом дини икки сабаб билан она ҳурматини отадан кўра юқори қўяди. Биринчиси, она фарзандни дунёга келтиришда отага нисбатан кўп машаққат чекади. Иккинчиси, она меҳрибон ва раҳмдилдир.

***

Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз.

***

Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини унутмайлик.

***

Пайғамбар (саллоллоҳу алайҳи васаллам) ўйнаб турган болалар ёнидан ўта туриб, уларга салом бердилар.

***

Динга ҳурмат ва эътиқод биз учун ўлмас қадриятдир.

***

Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин.

***

Яхшиликка даъват қилувчи билан уни бажарувчининг савоби тенгдир.

***

Отангга, онангга ҳар на қилсанг яхшилик,
Кут болангдан яхшиликка яхшилик.

***

Хонадонлар ичида Аллоҳ таолога севимлиси етим асраб, яхши боқаётган хонадондир.

***

Фарзандларингизни ўзларининг даврига мослаб тарбияланг!

***

Болани жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, тозалик ва покликка ўргатиш лозим.

***

Болага танбеҳ бериш зарур бўлиб қолганида, насиҳат билан уни тартибга чақириш зарур.

***

Қайси хонадонда таълим-тарбия юксак бўлса, шу жойда хотиржамлик бор.

***

Болани руҳий тушкунликка тушишдан, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишдан ҳимоялаш тарбияси ўта муҳимдир.

***

Фарзандларингизни асло қарғаманг, ёмон сўзлар билан сўкманг, ёмон дуо қилманг!

***

Ота-оналар фарзанди оила қуришга тайёр эканига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина никоҳдан ўтказишлари керак.

***

Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан – душман.

***

Юзинг чиройли бўлгунча, сўзинг чиройли бўлсин!

***

Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар.

***

Ҳар бир ота ўз фарзандига хулқ-одобдан буюкроқ мерос қолдирмайди.

# СИЗГА ШАРАФ, СИЗГА ТАЪЗИМ, УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табриги ҳамда шу мавзуга оид бошқа асарлардан олинган қайдлар)*

**Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шарти деб билган, сизларга ўзининг энг яқин маслакдошлари сифатида катта ишонч ва ҳурмат билан қараган Ислом Каримовнинг ўзлари ҳам барчамиз учун меҳрибон устоз, талабчан мураббий эдилар.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ўқитувчи ҳамда мураббийлар дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаларидир!

***

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!

***

Сизга шараф, сизга таъзим, устоз ва мураббийлар!

***

Ўқитувчи – соғлом ва баркамол авлод тарбиячиси.

***

Меҳр нури ёғар доим кўзингиздан, устозлар!

***

Устоз – отадек улуғ!

***

Ўқитувчи – илм ва маърифат, таълим ва тарбия фидойиси!

***

Ўқитувчи ва мураббийлар ҳаётимиз боғбони, умримиз чароғбонидир!

***

Ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат туйғусини сингдириш йўлида ўқитувчи ва мураббийларнинг хизмати беқиёсдир!

***

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар, меҳрибон мураббийлар!

***

Таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислоҳотларни юксак босқичга кўтариш муҳим вазифамиз ва муқаддас бурчимиздир!

***

Мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялайлик!

***

Ўқитувчи ва домлаларнинг машаққатли ҳамда масъулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантирайлик!

***

Ўқитувчи ва мураббийлар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи, таълим ҳамда тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамиз.

***

Соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатлари учун ўқитувчи ва мураббийларга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим қилсак арзийди.

***

Биз истеъдодли, фидойи фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

***

Устоз-мураббийлар, . беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгини бегона мафкура, ёт дунёқарашлардан асранг!

***

Ота-оналар, устоз-мураббийлар, ёшлар тарбиясига асло бепарво бўлманг!

***

Сиздан бошланади асли тафаккур,
Устоз-муаллимлар, сизга ташаккур!

***

Тарбия – буюк неъмат, у киши тақдирини белгилайди.

***

Ҳар бир миллатнинг келажаги, истайсизми-йўқми, ўқитувчилар савиясига боғлиқ.

# 21 ОКТЯБРЬ – “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

***Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади.***

**Ислом КАРИМОВ**

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.

**Алишер НАВОИЙ**

***

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир.

**Абдулла АВЛОНИЙ**

***

Она тили – миллатнинг руҳи.

***

Ўзбек тили гўзал ва бетакрордир.

***

Давлат тили қонун билан ҳимоя қилинадиган тимсоллардан биридир.

***

Тил – миллатнинг қалби, унинг дунёда мавжудлигининг асосий белгисидир.

***

Миллий тилга эътибор – ватанпарварлик.

***

Ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулкидир.

***

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.

***

Ўз қадрини билган, тил қадрини билади.

***

Ўзбек тили – дунёни ҳайратга солган, дурдона асарлар яратилган ноёб тил.

***

Она тилига муҳаббат – юксак маънавият белгиси.

***

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўзлигини, аввало, тил орқали ифодалайди.

## ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИК – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАМДА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

*(Тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигига оид фикрлар ҳамда шу мавзудаги матн ва шиорлар)*

**Тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Тадбиркор – элга мададкор.

***

Тадбиркор – давлат таянчи.

***

Азми қатъий тадбиркор – эл-юртига мададкор!

***

Тадбиркорлик ривожига кенг йўл берайлик.

***

Кичик бизнес ва тадбиркорлик – фаровонлик калити.

***

Саховатли тадбиркор – маҳаллага мададкор.

***

Тадбиркор – элда азиз.

***

Кичик бизнес – иқтисодиёт таянчи.

***

Тадбиркорни эл сийлайди.

***

Тадбиркор – бунёдкор демак.

***

Яхши бизнес ғояси – ишнинг ярим фойдаси.

***

Тадбиркорнинг иши хўб, ундан элга фойда кўп.

***

Тадбиркорлик саховатдан холи бўлмаса, янада гуллаб-яшнайди.

***

Сахий, ҳомий тадбиркор – унга доим омад ёр.

***

Тадбиркор ҳуқуқларининг қонуний кафолатини таъминлайлик.

***

Деҳқон ва фермерлар қишлоқ хўжалигининг таянч устунларидир.

***

Деҳқон ва фермерлар меҳнати – жасорат ҳамда қаҳрамонлик намунаси.

***

Деҳқон ва фермерлар етиштирадиган маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳам рақобатдош ҳамда харидоргир бўлсин.

***

Қишлоқ истиқболи – юрт истиқболи.

***

Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи.

***

Намунали уй-жойлар – обод турмуш кўзгуси.

***

Деҳқон бадавлат бўлса, юртимиз обод бўлиши муқаррардир.

***

Ер деҳқонни боқади, деҳқон эса элни боқади.

***

Қишлоқда асосий куч бўлиб майдонга чиқаётган фермерлар жамиятимизнинг таянч устунидир.

***

Деҳқонлар ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани улкан ютуқлар омилидир.

***

Фермер – бугунги жамиятнинг энг фаол, энг ишончли аъзоси, фаровон ҳаёт бунёдкори.

***

Фермерлик ҳаракати ривожи қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади.

***

Мол боққаннинг бармоғидан мой оқар.

***

Деҳқон деб ўйлама ҳар ким сочса дон,
Донидан дон чиқса, ўшадир деҳқон.

# КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

*(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган матнлар)*

**Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

***

Инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш Конституциямизда ўз ифодасини топган энг асосий мақсадимиздир.

***

Асосий Қонунимиз – ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдевори.

***

Жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири, бу одамларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

***

Асосий Қонунимиз халқимиз иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

***

Мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси халқимизнинг онги, тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган муҳим сиёсий ҳужжатдир.

***

Конституциямиз Қонун устуворлигини, унинг барча фуқаролар учун тенглигини кафолатлайди.

***

Конституциямиз фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий фикрларини кафолатлайди.

***

Конституциямиз давлатни давлат, миллатни миллат қилувчи асосий қомусий ҳужжатдир.

***

Конституциямиз инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

***

Конституция – демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий кафолати.

***

Конституция – халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули.

***

Одамлар учун муносиб ҳаёт шароитлари яратиш – Конституциямизнинг туб мақсади.

***

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

***

Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституциявий асосга эга.

***

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – инсон ва давлат, инсон ва жамият муносабатларининг ишончли кафолати.

***

Қонун устуворлиги ҳамда инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.

***

Инсоннинг энг устувор ҳуқуқларидан бири, бу тинч яшаш ҳуқуқидир.

***

Инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, қадр-қиммати ва эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади.

***

Нимаики қонуний бўлса, у адолатлидир.

***

Конституциямиз адолат манбаи ва мезонидир.

***

Мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланади.

***

Қонун устуворлигига эришилгандагина адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этиш мумкин.

***

Конституциямиз – миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳамда демократик тизимини яратишнинг ҳуқуқий пойдевори.

***

Конституциямизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи кафолатланган.

***

Конституциямиз миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

***

Конституциямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади.

***

Конституциямиз иқтисодиётимиз асосларини мустаҳкамлади.

***

Асосий Қонунимиз – мақсадларимиз ва олижаноб интилишларимизни амалга ошириш гарови.

## ЎЗБЕКИСТОН – БАҒРИКЕНГ ДИЁР

*(Республика Байналмилал маданият маркази фаолиятига 25 йил тўлиши муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг табриги ҳамда бошқа алломалар фикрларидан тасвирий тарғибот воситаларида фойдаланиш учун миллатлараро тотувликка оид қайд, матн ва шиорлардан намуналар)*

**Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш устувор вазифамиздир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Адолатнинг олий кўриниши элнинг тинчлигини таъминлашдан иборат.

***

Энг катта адолатсизлик эса эл-улус тинчлигининг бузилишида намоён бўлади.

***

Дунёда ҳар қайси халқни халқ қиладиган фазилатлардан бири аҳиллик ва ҳамжиҳатликдир.

***

Жаҳондаги қайси халқ тарих саҳнасида улкан ютуқ ва муваффақиятларга эришган бўлса, ўзаро аҳиллик ҳамда ҳамжиҳатлик туфайли эришган.

***

Миллатлараро тотувлик – бу бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Межнациональное согласие – это наше бесценное богатство, и беречь его как зеницу ока – священный долг каждого из нас.**

***

Республика миллий сиёсатининг асосий устувор жиҳати – барча миллат ва элатнинг ривожланиши учун тенг шароит, ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг миллий-маънавий қадриятларини тиклашдан иборат.

**Главным приоритетом национальной политики республики является создание равных условий, прав и возможностей для развития всех наций и народностей, а также возрождение национально-духовных ценностей граждан, проживающих в Узбекистане.**

***

Миллий маданий марказлар – одамларни бир-бирини яхшироқ тушунишга, биродарлик, тотувлик ҳамда тинчликни ҳурмат қилишга ўргатадиган жой, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам пойдевори.

**Национальный культурный центр – это прочный фундамент дружбы и взаимопонимания, где люди учатся лучше понимать друг друга, уважать и ценить братство, согласие и мир.**

***

Тинчликни куч билан сақлаб бўлмайди, унга фақат тушуниш орқали эришиш мумкин.

**Мир нельзя сохранить силой, его можно достигнуть только пониманием.**

***

Ватан тараққиёти – кўп миллатли халқ меҳнати маҳсули.

**Процветание Родины – результат труда многонационального народа.**

***

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили.

**Межнациональное согласие и религиозная толерантность – фактор развития.**

***

Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила.

**Узбекистан – многонациональная дружная семья.**

***

Бизнинг энг катта бойлигимиз бизнинг кўп миллатли меҳнатсевар халқимиздир.

**Наше самое большое богатство – это наш многонациональный трудолюбивый народ.**

***

Ўзбекистон – умумий уйимиз.
**Узбекистан – наш общий дом.**

***

Ўзбекистон – дўстлик ва биродарлик улуғланган юрт.
**Узбекистан – страна, где правит дружба и братство.**

***

Фаровонлик – тинчликдан,
Юрт равнақи – бирликдан.

**Благосостояние – от мира,**
**Процветание – от единства.**

***

Ўзаро дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаро учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш доимий эътиборда.

**Дальнейшее развитие взаимной дружбы и согласия, обеспечение равных прав для всех граждан, независимо от их национальности, религии и вероисповедания будут в центре нашего внимания.**

Бу йилги тадбирлар ва кўргазманинг номланиши.

**“Тинчлик, тотувлик – олий қадрият”.**
мавзуида илмий-амалий семинар

***

**“Халқ билан мулоқот суратлар кўзгусида”.**
номли кўргазма

***

**“Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон”,**
**“Шу азиз Ватан барчамизники”.**
мавзуларида давра суҳбатлари

# ОГОҲЛИК, ҲУШЁРЛИК – ЗАМОН ТАЛАБИ

*(Огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи, одам савдоси, диний экстремизм, миссионерлик, терроризм, гиёҳвандлик, "оммавий маданият" каби иллатларга қарши курашда фойдаланиладиган шиорлар)*

***Кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй, ёшлар тарбияси масаласида ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак.***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Тинч-осойишта ҳаётимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифадир.

***

Огоҳ бўлиб яшайдиган одам хавф-хатарни олдиндан кўриб, уни бартараф этади.

***

Халқимизнинг бирлиги, жипслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

***

Бугунги шароитда барчамиз янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлайлик!

***

Болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир.

***

Болангиз интернетда нималар қилаётганидан хабардор бўлинг.

***

Болангизни интернетдаги ижтимоий тармоқ ҳужуми оқибатлари хусусида огоҳлантиринг.

***

Фарзандингизга доир интернетдаги маълумотлар, ундаги фойдали ахборот ва хавф-хатарлардан огоҳ бўлинг.

***

Диний экстремизм – энг бузғунчи куч, унга қарши курашиш барчамизнинг бурчимиздир.

***

Терроризм – даҳшатли офат.

***

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига тажовуз қилмоқчи бўлган шахслар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайди.

***

"Оммавий маданият" шахсни мустақил фикрдан, ўзлигидан жудо қилади.

***

Ҳар бир ота-она оилада ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслиги, бегона қарашларни остонадан киритмаслиги лозим.

***

Тинчлик – энг бебаҳо неъмат, тинчлик бўлса, ҳаловат бўлади, ҳаловатли элнинг эса ҳар бир куни файзли, тароватли ўтади.

***

Ўзбекистон учун, бугунги ва келажак авлод учун энг катта бойлик – элнинг тинчлиги ва осойишталигидир.

***

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

***

Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, жирканч, ёвуз бало-қазоларни таг-томири билан юлиб ташлашимиз зарур!

***

Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен.

**Алишер НАВОИЙ**

Ҳушёрлик инсонга доим ярашар,
Огоҳ бўлган одам хотиржам яшар!

***

Локайдлик – инсонни хор-зор этгуси.
Огоҳлик – иқболга, бахтга элтувчи.

***

Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдир.

**Имом БУХОРИЙ**

***

Ер юзида бузғунчилик қилманглар!

**Бақара сураси, 60-оят**

***

Кимда-ким ёмонлик касб қилса ва гуноҳга ўралиб қолса, ана ўшалар дўзах эгаларидир.

**Бақара сураси, 81-оят**

***

Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар жаннат эгаларидирлар ва у ерда абадий қолурлар.

**Бақара сураси, 82-оят**

***

Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир.

**Бақара сураси, 191-оят**

***

Аллоҳ зулм қилувчиларни билгувчидир.

**Бақара сураси, 246-оят**

***

Қиёмат кунида жиноятчи кимсалар бутунлай номурод бўлурлар.

**Рум сураси, 12-оят**

***

Хайрли (савобли) ишларда (бир-бирингиздан) ўзишга ошиқингиз!

**Моида сураси, 48-оят**

***

Мўминнинг нияти унинг амалидан яхшидир.

**Имом БАЙҲАҚИЙ**

***

Ким бир мўминдан дунё ғам-ташвишларидан бир ғамни камайтирса, Аллоҳ ундан Қиёмат куни ғамларидан бир ғамни камайтиради. Ким бир қийналган кишига енгиллик қилса, Аллоҳ унга дунё ва охиратда енгиллик қилади.

**Имом МУСЛИМ**

***

Инсонларнинг яхшиси бошқа инсонларга фойдаси етганидир.

**Ҳадис**

## 2017-YIL – XALQ BILAN MULOQOT VA INSON MANFAATLARI YILI

*(O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasidan olingan qaydlar)*

Asosiy maqsad – el farovonligini yanada yuksaltirish.

***

2017-yil – Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili hayotimizni yanada obod va farovon etish yo'lida ulkan qadam bo'ladi.

***

Odamlarning dardini eshitish, ular bilan ochiq muloqotda bo'lish, og'irini yengil qilish aholining davlat va jamiyatga ishonchini mustahkamlashga xizmat qiladi.

***

Xalq bilan muloqot rahbarning ishiga unum, yangi fikr va g'oyalar, kuch-g'ayrat va shahd-u shijoat beradi.

***

Inson manfaatlarini ta'minlash uchun, avvalo, odamlar bilan, xalq bilan muloqot qilish, ularning dard-u tashvishlari, orzu-niyatlari, hayotiy muammo va ehtiyojlarini yaxshi bilish kerak.

***

Bizning maqsadimiz aholining hech bir murojaati e'tiborsiz qolmaydigan tizim yaratishdan iboratdir.

***

Inson manfaatlarini yurt tinchligi, jamiyatimizdagi o'zaro hurmat, mehr-oqibat va hamjihatlik muhitidan ajratgan holda tasavvur etolmaymiz.

***

Inson manfaatlarini ta'minlashda iqtisodiyotimizning yuksak sur'atlar bilan barqaror rivojlanishi katta ahamiyatga ega.

***

Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari xalqimizga xizmat qilishi kerak.

***

Davlat, uning idoralari va mansabdor shaxslari jamiyat va fuqarolar oldida mas'uldirlar.

***

Yurt tinchligi, jamiyatimizdagi o'zaro hurmat, mehr-oqibat va hamjihatlik kabi bebaho boyliklarimizni ko'z qorachig'idek saqlash har birimizning muqaddas burchimizdir.

***

Biz tashqi siyosat sohasidagi faoliyatimizni, avvalo, xalqimiz, Vatanimiz manfaatlarini har tomonlama hisobga olgan holda amalga oshiramiz.

***

Tashqi siyosatimizning asosini tinchlikparvarlik, boshqa davlatlarning ichki ishlariga aralashmaslik, yuzaga keladigan ziddiyat va qarama-qarshiliklarni faqat tinch siyosiy yo'l bilan hal etish tashkil qiladi.

***

Biz dunyodagi barcha davlatlar bilan yaqindan hamkorlik qilish va amaliy muloqot uchun ochiqmiz.

***

Davlat boshqaruvi tizimini bugungi va ertangi kun talablaridan kelib chiqib yanada takomillashtirish ustuvor vazifamizdir.

***

Adolat qonun ustuvorligidadir.

***

Xalq boy bo'lsa, davlat ham, albatta, boy va qudratli bo'ladi.

***

Aholini ish bilan ta'minlash biz uchun nafaqat iqtisodiy, ayni paytda katta ijtimoiy ahamiyatga egadir.

***

Aholi bandligini hal etishda turizmni rivojlantirish bo'yicha katta imkoniyatlarni ishga solishimiz lozim.

***

Mamlakatimizda investitsiya siyosatini kuchaytirish ustuvor ahamiyatga ega masaladir.

***

Xorijiy sarmoyalarni va ilg'or texnologiyalarni iqtisodiyotga jalb etish juda muhim vazifadir.

***

Inson manfaatlarini ta'minlash qishloq joylarda fuqarolarning hayot darajasi va turmush sifatini oshirish bilan bevosita bog'liqdir.

***

Qishloq joylarda yangilangan namunaviy loyihalar bo'yicha quriladigan arzon va qulay uy-joylar aholi farovonligiga xizmat qiladi.

***

Ta'lim va tarbiya tizimining barcha bo'g'ini faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirish birinchi darajali vazifamizdir.

***

Yoshlar tarbiyasi biz uchun o'z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan masaladir.

***

Keskin va tahlikali sharoitda biz ota-onalar, ustoz-murabbiylar, jamoatchilik, mahalla-ko'y yoshlar tarbiyasi masalasida hushyorlik va ogohlikni yanada oshirishimiz kerak.

***

Bolalarimizni birovlarning qo'liga berib qo'ymasdan, ularni o'zimiz tarbiyalashimiz lozim.

***

Farzandlarimiz, ayniqsa, qiz bolalarning zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni, xorijiy tillarni egallashlari, har tomonlama sog'lom va barkamol bo'lib, hayotdan munosib o'rin topishlarini ta'minlaymiz.

***

Biz yoshlar bilan ko'proq gaplashib, ularning qalbiga quloq solib, dardini bilib, muammolarni yechish uchun amaliy ko'mak berishimiz kerak.

***

Yoshlar tarbiyasida asrlar mobaynida shakllangan milliy an'analarimizga, ajdodlarimizning boy merosiga tayanaylik.

***

Aholi bilan doimiy muloqot qilish, ularni qiynayotgan muammolarni hal etishning yangi mexanizmlari va samarali usullarini joriy etishimiz darkor.

***

Parlament va jamoatchilik nazoratining ta'sirchan mexanizmlarini shakllantiraylik.

***

Siyosiy partiyalar fuqarolarning maqsad va manfaatlarini ro'yobga chiqaradigan kuchdir.

***

Inson, uning hayoti, ozodligi, sha'ni, qadr-qimmati va boshqa ajralmas huquq hamda erkinliklari muqaddas sanalib, ular davlat tomonidan kafolatlanadi.

***

Tinch-osoyishta hayotimizni asrash va mustahkamlash, xalqimizning kafolatlangan xavfsizligini ta'minlash dolzarb vazifadir.

***

Asosiy masala qonunlarning mazmun-mohiyatini xalqimizga va mas'ul ijrochilarga o'z vaqtida yetkazish, ularning ijrosini to'g'ri tashkil etish hamda qonun talablariga qat'iy amal qilishni ta'minlashdan iboratdir.

***

Biz "Adolat – qonun ustuvorligida" degan tamoyil asosida jamiyatimizda qonunga hurmat, huquqbuzarlik holatlariga murosasizlik hissini kuchaytirishga qaratilgan ishlarimizni jadal davom ettiramiz.

***

"Farzandlarimiz bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lishi shart!" degan hayotiy da'vat har birimizning, ota-onalar hamda keng jamoatchilikning ongi va qalbidan mustahkam o'rin egallagan.

***

Yoshlarimiz Vatanimizning kelajagi uchun javobgarlikni zimmasiga olishga qodirdir.

***

Yoshlarimiz bugungi va ertangi kunimizning hal etuvchi kuchiga aylanib borayotgani barchamizga g‘urur hamda iftixor bag‘ishlaydi.

***

Farzandlarimiz uchun zamonaviy ish joylarni yaratish, ularning hayotda munosib o‘rin egallashini ta’minlashga qaratilgan ishlarimizni yangi bosqichga ko‘taraylik.

***

Biz yoshlarga doir davlat siyosatini hech og‘ishmay, qat’iyat bilan davom ettiramiz.

***

Yoshlar manfaatini ta’minlash bilan ertangi yorug‘ kunimizga zamin yaratamiz.

***

Yoshlarga doir davlat siyosatini eng ustuvor vazifamiz sifatida zamon talab qilayotgan yuksak darajaga ko‘taramiz.

***

Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz hamda jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etaveramiz.

# ERKIN VA FAROVON, DEMOKRATIK O'ZBEKISTON DAVLATINI MARD HAMDA OLIJANOB XALQIMIZ BILAN BIRGA QURAMIZ

*(Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqidan olingan matnlar)*

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov boshlab bergan keng ko'lamli siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy islohotlar yo'lini og'ishmasdan, qat'iy va izchil davom ettiramiz.

***

O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti, barchamiz uchun aziz va qadrli bo'lgan Islom Abdug'aniyevich Karimov bizga vasiyat qilib qoldirgan yagona maqsad yo'lida birlashaylik.

***

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti saylovi el-yurtimizning o'z taqdiri va kelajagiga qanday katta ishonch va mas'uliyat bilan qarayotganini yaqqol ifoda etdi.

***

Xalqimiz rozi bo'lsa, ishimizda unum va baraka bo'ladi.

***

Xalq bizdan rozi bo'lsa, Yaratgan ham bizdan rozi bo'ladi.

***

Hammamizni tarbiyalagan, voyaga yetkazgan – shu xalq. Barchamizga tuz-nasiba bergan ham – shu xalq. Bizga ishonch bildirgan, rahbar qilib saylagan ham – aynan shu xalq. Shunday ekan, biz odamlar bilan doimo muloqot qilishimiz kerak.

***

Xalqimiz azaldan yuksak qadrlab keladigan, hamma narsadan ustun qo'yadigan adolat tuyg'usini hayotimizda yanada keng qaror toptirish birinchi darajali vazifamizdir.

***

Xalq bilan muloqot, odamlarning ichiga kirish, ularning dard-u tashvishlari bilan yashash, inson manfaatlarini ta'minlash, bu – eng ustuvor vazifa.

***

Aholi bilan doimiy muloqot qilish, uning qonuniy talablari, so'rov va takliflarini amalga oshirish uchun aniq choralar ko'rish ustuvor vazifadir.

***

Birorta ham murojaat e'tiborsiz qolmaydigan tizim faoliyatini yo'lga qo'yish asosiy vazifadir.

***

Xalq bilan muloqot, odamlarning ichiga kirish, ularning dard-u tashvishlari bilan yashash, inson manfaatlarini ta'minlash, bu biz uchun faqat bir yillik ish emas, doimiy vazifamizdir.

***

Mard va matonatli xalqimiz har qanday qiyinchilik, to'siq va sinovlarni o'z kuchi va irodasi bilan yengib o'tishga qodir.

***

Vatanimizning buyuk kelajagini mard va olijanob xalqimiz bilan birgalikda barpo etamiz.

***

Biz yurtimizda, yangi davlat, yangi jamiyat qurish yo'lida qanday ish qilsak, ularning barchasini xalqimiz bilan bamaslahat qilamiz.

***

Davlat banklari endi xalqimizni tadbirkorlikka, ishbilarmonlikka o'rgatishi va shunga yetaklashi lozim.

***

Bank rahbarlarining bosh vazifasi fuqarolarimiz va tadbirkorlarning ishonchini qozonishga va ularga haqiqiy ko'makdosh bo'lishga erishishdan iboratdir.

***

Banklar har bir oila bilan muloqot tashkil qilish orqali fuqarolarning tadbirkorlik bilan shug'ullanishi uchun qulay imkoniyatlar yaratishi kerak.

***

Xalq deputatlari Kengashlarining asosiy maqsadi va vazifasi aholining barcha toifasi bilan doimiy muloqotda bo'lish, fuqarolarning qonuniy talab va ehtiyojlarini o'rganib, ularni ta'minlashdan iborat.

***

Fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta'minlaydigan ichki va tashqi siyosatni amalga oshirish asosiy vazifamizdir.

***

Dunyoning ayrim mintaqalarida tobora keskinlashib borayotgan qonli mojaro va ziddiyatlar, terrorizm va ekstremizm xavfi bizdan doimiy ogoh va hushyor bo'lishni talab etmoqda.

***

O'zbekiston chegaralarining xavfsizligi va daxlsizligini ta'minlash, mamlakatimiz mudofaa qobiliyatini mustahkamlash, yurtimiz ostonasiga hech qanday balo-qazoni yaqin keltirmaslik kabi hal qiluvchi vazifalar hamisha diqqatimiz markazidadir.

***

O'zbekiston va uning bag'rikeng xalqi tinchliksevar siyosat yuritish, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan qarash tamoyillarini amalga oshirish pozitsiyasida doimo mustahkam turadi.

***

O'zbekiston Qurolli Kuchlari xizmatchilari yurtimizda tinchlik va barqarorlikni saqlash va mustahkamlash bo'yicha o'z vatanparvarlik burchiga sodiqdir.

***

Yoshi ulug', ulkan hayotiy tajribaga ega nuroniy oqsoqollarimiz, katta avlod vakillarining maslahatlari va faol ko'magi, shunday tabarruk insonlarning vatanimizga bo'lgan buyuk mehr-muhabbati va jonkuyarligi tufayli Mustaqil O'zbekiston davlatining mustahkam zamini yaratildi.

***

O'zbekiston boy qazilma va tabiiy resurslarga, qudratli iqtisodiy hamda insoniy salohiyatga ega davlatdir.

***

Xalqimizning ulkan intellektual va ma'naviy salohiyati eng katta boyligimizdir.

***

Qishloq xo'jaligini isloh qilish va oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash eng muhim vazifalarimizdan biridir.

***

Agrosanoat kompleksini harakatga keltiruvchi kuchi bo'lgan ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklarini izchil rivojlantirishga katta e'tibor qaratilaveradi.

***

O'z hayotini aziz Vatanimizning har tomonlama ravnaq topishiga bag'ishlagan ustoz va murabbiylarimiz, zamondoshlarimiz bilan faxrlanamiz.

## XALQ MANFAATLARINI TA'MINLASH – FAROVONLIK KAFOLATI

*(O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning ilm-fan, sog'liqni saqlash, prokuratura va boshqa sohalar mas'ullari bilan uchrashuvlaridagi nutqlari hamda boshqa manbalardan shu mavzudagi olingan qaydlar)*

Fan va ishlab chiqarish hamkorligini mustahkamlash, ta'lim tizimini rivojlantirish, innovatsion iqtisodiyot taraqqiyotiga alohida e'tibor qaratish zarur.

***

Mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida ilm-fanning o'rni kattadir.

***

Ilm-fanni yangi bosqichga ko'tarish zamon talabidir.

***

Jamiyat oldida turgan dolzarb masalalarni ilm-fan taraqqiyotisiz yechish qiyin.

***

Mamlakatimizda jamiyatimizning zamon talablari darajasida rivojlanishi ilm-fan ravnaqiga bog'liq.

***

Ilm-fan sohasida fidokorona mehnat qilayotgan olimlarimiz faoliyatini har tomonlama qo'llab-quvvatlaylik.

***

Ilm-fanni va olimlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash davlatimizning ustuvor vazifalaridandir.

***

Ilm-fan bilan shug'ullanish, yangi kashfiyot va ixtirolar qilish igna bilan quduq qazishdek gap.

***

Ilm-fan taraqqiyotida fundamental tadqiqotlar muhim o'rin tutadi.

***

Ba'zan bittagina ilmiy kashfiyot mamlakatni butun dunyoga mashhur qilishi mumkin.

***

Fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini yanada takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

***

Maktab ta'limini takomillashtirish, ilmiy kadrlar va yuksak malakali mutaxassislar tayyorlash yo'lida hech narsani ayamaymiz.

***

Ilm ahliga shart-sharoitlar yaratish va ularni rag'batlantirishga alohida e'tibor beraylik.

***

Tibbiyot xodimlari bizning salomatligimiz posbonlaridir.

***

Sog'liqni saqlash tizimini tubdan o'zgartirish – davr talabi.

***

Sog'liqni saqlash xodimlari tibbiyotning eng ilg'or, zamonaviy yutuqlarini, davolash usullarini o'zlashtirmog'i zarur.

***

Sog'liqni saqlash sohasini isloh qilish davlat siyosatining eng muhim yo'nalishlaridan biridir.

***

Sog'liq bo'lmay baxtli bo'lish mumkin emas.

***

Men bilgan yagona go'zallik, bu – salomatlik.

***

Salomatlik va yurt tinchligi insonning oliy manfaatidir.

***

Erishilgan yutuqlarga mahliyo bo'lib o'tirish taraqqiyot yo'lidagi eng katta g'ovdir.

***

Insonlar manfaati deganda, avvalo, insonning salomatligi, zamonaviy tibbiy xizmatdan to'laqonli foydalanishi ham nazarda tutiladi.

***

Ertangi kunimizning davomchilarini sog'lom dunyoga keltirish ko'p jihatdan ayollarimizning sog'lig'iga bog'liqdir.

***

Sog'liqni saqlash tizimini yanada rivojlantirib, ko'rsatilayotgan tibbiy xizmatlar sifatini xalqaro standartlar darajasiga ko'taraylik.

***

Xalqimizga eng so'nggi usul va rusumlarda tibbiy xizmat ko'rsatishga erishaylik.

***

Qonun ustuvorligi inson manfaatlarini ta'minlashning muhim omilidir.

***

Odamlar hamma narsaga chidashi mumkin, adolatsizlikka chiday olmaydi.

***

Jamiyatda adolat barqaror bo'lishida prokuratura organlarining o'rni kattadir.

***

Prokuratura organlari qabul qilayotgan har bir qaror zamirida inson taqdiri turadi. Shunday ekan, yetti o'lchab, bir kesish bu borada asosiy mezon bo'lmog'i shart.

***

Prokuratura organlarining ishi katta mas'uliyat, fidoyilik, halollikni talab qiladi.

***

Xususiy mulk, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash hamda uning ishonchli himoya qilinishini ta'minlashda prokuratura organlarining roli kattadir.

***

Prokuror tadbirkorga ko'makchi bo'lishi, u bilan hamkorlikda ishlashi darkor. Bironta ham murojaat e'tibordan chetda qolmasligi kerak.

***

Xalq qabulxonalari xalq manfaatlarini ta'minlaydigan, ishonchini qozonadigan dargoh – adolat maskani bo'lsin.

***

Davlat dasturining eng muhim va dolzarb vazifasi, xalq bilan samarali muloqotni ta'minlash.

# ELNING DARDI BILAN KUYSAGINA JON, O'SHA JON EGASI HAQIQIY INSON

## HIKMATLAR XAZINASIDAN

*(Katta yo'l bo'ylari, istirohat bog'lari, dam olish maskanlari, shifoxonalar, bozorlar, ko'ngilochar tadbirlar o'tadigan hududlarni tashqi tasviriy targ'ibot vositalari bilan bezash hamda ijtimoiy reklamalarni tayyorlashda buyuk alloma va mutafakkirlarning ona Vatan, tinchlik-osoyishtalik, axloq-odob, ta'lim-tarbiya kabi mavzulardagi hikmatlari, hadisi shariflar, xalq maqollari hamda shiorlar foydalanish uchun berilmoqda)*

O'zbekiston – oydin istiqbol yo'lida.

***

Xalq dardini tinglamay, Vatan istiqboliga erishib bo'lmaydi.

***

Xalq bilan muloqot ulug'vor maqsadlarimizga eltuvchi oydin yo'ldir.

***

Inson manfaatlari ta'minlangan mamlakat barqaror rivojlanadi.

***

Xalqning dardini quloq bilan emas, yurak bilan eshitish lozim.

***

El dardi bilan yashash – oliy saodat.

***

El muammosining tuguni, ko'pincha, rahbarning qo'lida yechiladi.

***

Xalq bilan muloqot qilish qobiliyati bo'lmagan rahbar xalqni ham, Haqni ham rozi qilolmaydi.

***

Baland marralarni ko'zlagan mamlakat xalq yo'lidan boradi.

***

Xalq dardini tinglamagan – yurt qadrini anglamaydi.

***

Har bir shaxs manfaati yurt va jamiyat manfaatidir!

***

Ona yurt istiqboli – el baxti, iqboli.

***

El koriga yarash uchun el ichra yashash kerak.

***

Xalq bilan muloqot – qalb bilan muloqotdir.

***

Qayerdaki saxovat va mehr-u muruvvat ko'p bo'lsa, ana shu joyda fayz-u baraka quloch yozadi.

***

Xalq duosi Haqqa yetar.

***

Yaxshi rahbarning sifati uning xalq bilan muloqotida ko'rinadi.

***

Adolat har bir ishda hamrohimiz va dasturimiz bo'lsin!

***

Kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyati sari.

***

Jamoatchilik nazorati – xalq hokimiyatining eng muhim poydevori.

***

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo'llash – iqtisodiy taraqqiyotimiz tayanchi.

***

Bank tizimidagi islohotlar aholi turmush farovonligini ta'minlashga xizmat qilmoqda.

***

O'zbekistonning kuch-qudrati xalqning hayotida aks etadi.

***

Baliq suv bilan tirik, odam – el bilan.

***

El g'amini bilgan – elda doston.

***

Elga xizmat – oliy himmat.

***

Keksalarni ulug'lash – oliy qadriyat.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи". "Халқ сўзи", 2016 йил 9 сентябрь.
2. Ш. Мирзиёев. "Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик". "Халқ сўзи", 2016 йил 19 октябрь.
3. Ш. Мирзиёев. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови". "Халқ сўзи", 2016 йил 8 декабрь.
4. Ш. Мирзиёев. "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз"."Халқ сўзи", 2016 йил 15 декабрь.
5. "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги". "Халқ сўзи", 2017 йил 1 январь.
6. Ш. Мирзиёев. "Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига". "Халқ сўзи", 2016 йил 1 октябрь.
7. Ш. Мирзиёев. "Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюкдир". "Халқ сўзи", 2017 йил 6 январь.
8. Ш. Мирзиёев. "Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир". "Халқ сўзи", 2017 йил 10 январь.
9. Ш. Мирзиёев. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги". "Халқ сўзи", 2017 йил 14 январь.
10. И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. – Т: Ўзбекистон, 2000.
11. И. Каримов. Ватан ва халқ мангу қолади. – Т: Ўзбекистон, 2009.
12. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т: Ўзбекистон, 2007.
13. Инсон бахт учун туғилади. И. А. Каримовнинг ҳикматли сўзларидан. Тузувчилар Д. Ғаниев, И. Ғофуров. – Т: Шарқ, 2001.
14. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008.
15. Президентга мактублар. – Т: Маънавият, 2009.
16. И. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т: Ўзбекистон, 2011.
17. И. Каримов. "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида."Халқ сўзи", 2013 йил 1 август.

18. И. Каримов. “Баркамол авлод” спорт ўйинлари қатнашчиларига табриги. “Халқ сўзи” , 2014 йил 30 май.
19. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2015 йил 24 январь.
20. И. Каримов. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”. – Т: Ўзбекистон, 2015.
21. Амир Темур ўгитлари. – Т: Наврўз, 1992.
22. Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Т: Ўзбекистон, 2011.
23. Машриқ замин – ҳикмат бўстони. – Т: Шарқ, 1997.
24. Тафаккур гулшани. – Т: Ғ. Ғулом, 1989.
25. Оз-оз ўрганиб, доно бўлур. – Т: Ғ. Ғулом, 1988.
26. Алишер Навоий. Уммондан дурлар. – Т: Шарқ, 2000.
27. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т: Ғ. Ғулом, 1992,
28. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан, Ватаним.– Т: Ижод дунёси, 2004.
29. Пиримқул Қодиров. Тил ва эл. – Т: Маънавият, 2010.
30. “Шарқ ҳикоят ва ривоятлари”. – Т: Шарқ, 2015.
31. Ўзбек халқ мақоллари. – Т: Шарқ, 2003.
32. Ўткир Раҳмат . Хоксор майса. – Т: Ўзбекистон, 2010.
33. Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т: Ғ. Ғулом, 2003.
34. А. Мансур. Қуръони карим маънолари таржима ва тафсири. – Т : “ТИУ” матбаа бирлашмаси, 2009.
35. М. Қуронов. Болам бахтли бўлсин десангиз. – Т: Маънавият, 2013.
36. Э. Воҳидов. “Сайланма”. – Т: Шарқ, 2001.
37. У. Алимов. Оилада фарзанд тарбияси.– Т: Movarounnahr, 2014
38. Н. Раҳимова, Ф.Қувонова. Она ва бола.– Т: Янги аср авлоди, 2015.
39. Н. Солиева. Ёшлар, миллий ғоя, тарбия. – Т: INFOKAPITAL GROUP, 2011.
40. Луқмони ҳакимдан ўғлига 365 ўгит. – Т: Муҳаррир, 2013.
41. Ўзбек халқ мақоллари. – Т: Шарқ, 2014.
42. Ҳикматлар шодаси. – Т: Ўзбекистон, 2013.
43. Ч. Айтматов, М. Шохонов. – “Чўққида қолган овчининг оҳи зори” . – Т: Шарқ, 1998.
44. Владимир Путин Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди. “Халқ сўзи”, 2016 йил 7 сентябрь.
45. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарига ташриф буюрди ва таъзия изҳор этди. “Халқ сўзи”, 2016 йил 10 сентябрь.
46. Нурсултон Назарбоев Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди. “Халқ сўзи”, 2016 йил 14 сентябрь.

47. БМТ Бош ассамблеяси Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди. “Халқ сўзи”, 2016 йил 20 сентябрь.
48. Александр Лукашенко Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди. “Халқ сўзи”, 2016 йил 7 октябрь.
49. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг Ўзбекистон халқига мурожаати. “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 октябрь.
50. Асосий мақсадимиз – аҳолига қулай шароитлар яратиш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. “Халқ сўзи”, 2017 йил 4 февраль.
51. Т. Содиқова. Жаннатим онам.– Т: DAVR PRESS, 2014.
52. Тавсиянома – “Ҳомий ва шифокор – элу юртга мададкор”. Т: 2006.
53. Тавсиянома – “Кучли ижтимоий ҳимоя – тараққиёт гарови”. Т: 2007.
54. Тавсиянома – “Ёшлар – элу юрт таянчи”. – Т: 2008.
55. Тавсиянома – “Қишлоқ камоли – эл-юрт жамоли”. – Т: 2009.
56. Тавсиянома – “Баркамол авлод – тараққиёт пойдевори”. – Т: 2010.
57. Тавсиянома – “Тадбиркор – элга мададкор”. – Т: 2011.
58. Тавсиялар – “Мустаҳкам оила – жамият пойдевори”. – Т: 2012.
59. Тавсиялар – “Ободлик кўнгилдан бошланади”. – Т: 2013.
60. Тавсиялар – “Соғлом бола – ёруғ келажагимиз”. – Т: 2014.
61. Тавсиялар – “Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик”. – Т: 2015.
62. Тавсиялар – “Соғлом она ва бола – буюк келажагимиз пойдевори”. Т: 2016.

# МУНДАРИЖА

Олижаноб ғояларсиз инсоният яшай олмайди..................... 3
Мустақиллик байрамига бағишланган шиорлар.................. 4
2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси..........................................................5
Тасвирларда инсон манфаатлари тарғиботи........................ 7
2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили.......................................................................... 12
Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ҳамда олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.................... 16
Халқ манфаатларини таъминлаш – фаровонлик кафолати..........................................................................20
Элнинг дарди билан куйсагина жон, ўша жон эгаси ҳақиқий инсон........................................................... 23
Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир........................................................................ 25
Миллий армиямиз – тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати..................................................28
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, ҳам жонлариға мояйи дармон бўлғил...............................................32
Аёл бахти – жамият бахти..............................................37
Наврўз – яхшилик ва эзгулик элчиси...............................40
Жиззах шаҳрида бўладиган “Баркамол авлод – 2017” ва бошқа спорт мусобақалари ўтадиган ҳудудларни безашда фойдаланиш учун матн ҳамда шиорлар............................................. 42
Мустақил Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди.........................................................................44
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақида жойларда фойдаланиш учун тавсия этиладиган матнлар...........................................................................46
Юксак маънавият – жамият тараққиётининг асоси............50
Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир.........54
Рамазон ва Қурбон ҳайити байрамларига бағишланган шиорлар, ҳикматлар ҳамда ҳадислардан намуналар ..........................56
Сизга шараф, сизга таъзим, устоз ва мураббийлар!.................. 59

21 октябрь – “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинган кун.....62
Тадбиркорлик ва фермерлик – жамият тараққиёти ҳамда фаровон ҳаёт гарови.....64
Конституция – бахтимиз пойдевори.....67
Ўзбекистон – бағрикенг диёр.....70
Огоҳлик, ҳушёрлик – замон талаби.....73
2017-yil –Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili.....77
Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini mard hamda olijanob xalqimiz bilan birga quramiz.....82
Xalq manfaatlarini ta’minlash – farovonlik kafolati.....86
Elning dardi bilan kuysagina jon, o‘sha jon egasi haqiqiy inson.....89
Фойдаланилган адабиётлар.....91

**Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси**

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Муҳаррир: **Ёркин ИНОҒОМОВ**
Тех. муҳаррир: **Муҳаббат ШЕРБЎТАЕВА**
Компьютерда терувчи: **Гулзода НАЗИРОВА**
Саҳифаловчи: **Забихулло УБАЙДУЛЛАЕВ**
Дизайнер: **Рустам ХУДАЙБЕРГАНОВ**
Суратлар муаллифи : **Ҳасан ПАЙДОЕВ, Тоҳир ИСТАТОВ ва Аъло Абдуллаев**

Муқовадаги суратда: К. Раҳимовлар оиласи.

Наш. лиц. AI № 277 15.07.2015 йил.
Теришга берилди 09.02.2017 й.
Босишга рухсат этилди. 16.02.2017 й. Бичими 60x84$^{1/16}$.
«TimesNewRoman» гарнитураси.
Босма табоғи 6. Нашр табоғи 5,7.
Адади 30 000. (II-завод 10000) Буюртма №4615. Шартнома №0026

Оригинал-макет “Extremum-press” МЧЖ нашриётида тайёрланди.
100053,Тошкент шаҳар, Боғишамол кўчаси, 160-уй.
E-mail: Extremum-press@mail.ru

“Credo Print Group” МЧЖ ҳамда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳамкорлигида чоп этилди.
100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.
Телефон: 234-44-05
www.credoprint.uz e-mail: credoprint@list.ru